

Ўзбекистонда Цивилизациялашган Фукаролик Жамияти Куришнинг Ўзига Хос Хусусиятлари

Холов Шерали Ахрорбоевич¹

Аннотация: Цивилизациянинг умумий белгилари қуйидагилардан иборат: шаҳарнинг пайдо бўлиши, давлатларнинг вужудга келиши, савдо-сотик, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, синфий муносабатларнинг ташкил топиши ва табақаланиш, ёзув, пул-товар муносабатларининг шаклланиши, муомала, ахлоқ-одоб ва бошқалар.

Калит сўзлар: Цивилизация, савдо-сотик, ишлаб чиқариш, дехқончилик, ғоя ва истиқлол мафқураси.

Цивилизацияларни шаклига кура Шарқ ва Ғарб цивилизациялари, христиан ва мусулмон цивилизациялари, ҳудудий ва жаҳон цивилизацияси кабиларга ажратиш мумкин. Шарқ цивилизацияси қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

а) Шарқда барча дунёвий, диний ва фалсафий таълимотлар табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда булиши, сабр- тоқатлиликни тарғиб этган; б) одамлар орасида бағрикенглик, бирдамлик ва ҳамжихатлик руҳи кучли бўлган; в) миллий кадрият ва анъаналар эъзозланган; г) катталар ва ота-онага хурмат билан қарашга алоҳида эътибор берилган.

Ижтимоий тараққиётга цивилизациявий ёндашиш ҳар бир халқ, мамлакат, минтақа тараққиётига ноёб ва такрорланмас жараён сифатида қарашга асосланади. Ўзбекистон Шарқ цивилизацияси бағрида ривожланди. Тарихий манбаларда қайд этилганидек, Мовароуннахрда аста-секинлик билан шаҳарларнинг пайдо бўлиши, диний ва дунёвий билимларнинг шаклланиб бориши, маърифий-маънавий соҳада илк қадамлар ташланганлиги бу ва шунга ўхшашлар цивилизациялашган ҳаётнинг таркиб топаётганлигидан далолат беради. Қадимги Туронда илк шаҳарлар мил.авв. 2 минг йилликда барпо этилган булиб, бошқа цивилизациялардаги шаҳарлардан фарқ қилган.

Масалан, Ўрта Осиёдаги шаҳарлар полис, яъни шаҳар-давлат типидagi шаҳарлар эмас, балки диний-маъмурий марказлар вазифасини бажаришга мулжалланган эди.

Цивилизациянинг муҳим белгиларидан бири давлатларнинг пайдо бўлишидир. Қадимги Турон давлатлари Миср, Месопатамия, Хиндистон, Хитой, Юнонистон, Эрон ва бошқа қулдорлик давлатларидан фарқ қилади. Бунинг асосий сабаби Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида ҳеч қачон классик тарздаги қулдорлик тузуми тўлалигича ўрнатилмаган эди. Қуллардан уй ишларини бажариш, чорвони боқиш ва ҳарбий ишларда фойдаланилган ва улар ҳеч қачон асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлган эмаслар. Давлатлар Ўрта Осиёда йирик ирригацион тизимларни яратиш эҳтиёжи асосида ташкил топган. Файласуф Р.Мадиримов қайд қилганидек, “Ўрта Осиёда пайдо бўлган цивилизациялар суғорма дехқончилик асосида пайдо бўлганлигини, йирик суғориш тизимларини барпо этиш эса фақат давлатнинг қулидан келишини ҳисобга олиши”² лозим.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда давлатларнинг пайдо бўлиши бевосита бошқарув маданиятининг шаклланиши билан узвий боғлиқдир. Жамиятда табақаланишнинг юзага келиши цивилизациянинг асосий белгиларидан биридир. Ўзбекистонда ҳам бошқа жойларда бўлгани

¹ Мустақил тадқиқотчи, КарДУ

Каримов И. А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард максадимиз. Т., 1995, 16 б

Мадиримов Р. Қадимги Турон маданияти да фукаролик жамияти куришилари ва жаҳон цивилизацияси “Ўзбекистонда фукаролик жамияти шаклланиши истиқболлари.” Самарқанд. 2001, 84 -б



каби миллий тенгсизлик ва кишиларнинг табақаларга бўлиниши содир булган. Бу ерда асосан уруғчилик узоқ даврларгача сақланиб қолган. Бунинг сабаби йирик суғориш тизимларини бир оила ёки гуруҳ қўра олмаганлиги оқибатида уруғ ёки қабила кучини жамлаш эҳтиёжи туғилган. Шунингдек, чорвани боқиш, яйловни ва ўзини бошқалардан химоя қилиш эҳтиёжи ҳам уруғ-қабилачилик тартибларининг мустахкамланишига омил бўлиб хизмат қилган.

Цивилизация тарихи ахборотни сақлаш ва тарқатиш воситаси бўлган ёзув билан чамбарчас боғлиқ. Дастлабки ёзувлар Миср ва Месопатамияда пайдо бўлган. Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам ёзувлар пайдо бўлганлиги хақида айрим далиллар мавжуд. Масалан, С.П.Толстов ўзининг “Қадимги Хоразм” асарида Ўзбекистонда Эрон Ахмонийлари ҳуққронлигига қадар ҳам қандайдир ёзувлар бўлганлиги тахмин қилади. Мил.авв. V-III асрларда Ўрта Осиёда Оромий ёзуви асосида Хоразм, Суғд, Бактрия ёзувлари пайдо бўлган ва араб истилоларигача мавжуд булган.

Ўрта Осиёда пайдо бўлган цивилизациялар бевосита узига хос табиий ландшафт (жойлашиш) таъсирида ўзига хосликка эга булган. Дехқончилик билан шугулланувчи Хоразмликлар, Суғдликлар, Бактрияликлар ва кучманчи чорвачилик билан шугулланувчи сақлар, массагетлар яратган ўзига хос маданий қадриятларнинг аралашиб кетиши оқибатида бир қатлам вужудга келган. Ана шу ландшафтдан келиб чиққан холда уй жой қуришдаги, кийим-кечакдаги, озиқ-овқатдаги, урф-одатлардаги ўзига хослик шаклланган. Бундай ижтимоий-маданий ҳаётнинг Ўзбекистон ҳудудида шаклланиши ва ривожланиши давлатни келтириб чиқариши оқибатида фуқаролик жамияти сари ташланган дастлабки қадам булди. Чунки фуқароларнинг ўз уюшма ва таълимотлари воситасида давлатни бошқаришда иштирок этиш имконияти туғилди.

Ўзбекистондаги турли халқлар ва миллатларнинг умумий ғоя ва истиқлол мафқураси атрофида бирлашиши ниҳоятда катта аҳамият касб этади ва Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси томон ривожланишда муҳим омил булиб хизмат қилади. Миллийлик, умуминсонийлик ғояларини уйғунлаштириш ва янада такомиллаштириш муайян халқларга тегишли маданиятнинг узига хослигини сақлайди.

Умуминсоний қадриятлар инсонни эъзозлаш, ҳаётни севиш, бурч, садоқат, аждодларга хурмат, ватанпарварлик, адолат, маърифатпарварлик, тинчлик, тотувлик, дустлик, ҳамкорлик сингари фазилатларни ифода этади. Шу билан биргаликда маданият ва цивилизациянинг асосий тамойиллари шуни такозо қиладики, кишилик жамияти тараккиёти цивилизацияси жараёнида кишиларнинг қадрият сифатида қонунларга амал қилиши, ҳамма фуқароларнинг қонунларни билиш соҳасидаги саводхонлиги юксалиб борса, инсоният маънавий камолоти, равнақи омилларидан хисобланади. “Шу нуктаи назардан қараганда, - деб таъкидлайди Юртбошимиз И.А.Каримов, - инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг химоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари буйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак”.

АДАБИЁТЛАР:

1. Узбекистан Республикаси Конституцияси. —Т: Узбекистан НМИУ, 2018. -13 бет.
2. “2017-2021 йилларда Узбекистан Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Хдракатлар стратегияси”//Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2017 й. 6-сон, 70-модда
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йулимизни катъият билан давом этириб, янги босқичга кутарамиз. - Тошкент: «Узбекистан» НМИУ, 2017. -Б.152
4. Узбекистан Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоагчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик узгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қушимча чора-



тадбирлар тугрисида”ги қарори <http://uza.uz/oz/documents> 2019

5. I Назаров К,- Миллий гоя ва Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси. - Т.: Ўзбекистан файласуфлари миллий жамияти. 2019
6. Faxriddinovich, U. F., & Ismoil Xasanovich, N. (2023). Ways to Improve the Efficiency of the Public Service System in a Market Economy. *Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance*, 4(6), 72-74.
7. Ulugmurodov, F. F., & Bahodirovich, H. U. (2023). Prospects of Developing Active Tourism in Uzbekistan. *Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance*, 4(6), 69-71.
8. Faxriddinovich, U. F., & Ismoil Xasanovich, N. (2023). Ways to Improve the Efficiency of the Public Service System in a Market Economy. *Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance*, 4(6), 72-74.
9. Faxriddinovich, U. F., Dilmurod o'g'li, A. A., & Mashrab o'g'li, U. M. (2023). MECHANISMS FOR IMPROVING THE EFFICIENCY OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE DIGITAL ECONOMY. *Gospodarka i Innowacje.*, 36, 360-362.
10. Jo'rayev, B. N. (2022). TURIZM KOMPANIYALARI MOLYAVIY BARQARORLIGI TUSHUNCHASINING IQTISODIY MAZMUNI AHAMIYATI VA XUSUSIYATLARI. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. *SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(8), 15-20.
11. Navruzov, R. R. (2021). Morphofunctional features of the lymphoid structures of the colon in normal and under the influence of a biostimulator on the background of radiation sickness. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(09), 53-56.
12. Navruzov, R. R. Lymphothorp therapy in the complex of treatment of purulent inflammatory diseases of the hand in outpatient conditions. *New day in medicine*, 30.
13. Юнусова, Ш. А., Темирова, Н. Р., & Наврузов, Р. Р. (2017). Алгоритм обследования и ведения беременных с гестационным тиреотоксикозом. *Вестник Совета молодых учёных и специалистов Челябинской области*, 3(2 (17)), 75-79.
14. Yuldasheva, L. S. (2023). The Role of the Scientific, Spiritual, Religious Heritage of the Central Asian Thinkers in the Education of Young Generation. *Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress*, 2(6), 7-8.
15. Юлдашева, Л. С. (2023). ТАНА ВА РУҲ МУНОСАБАТИ ИБН СИНО ТАЛҚИНИДА. *Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры*, 3(6), 175-178.
16. Sagdullaevna, Y. L. (2023). The Spiritual Heritage of Eastern Thinkers in Education in the Spirit of Respecting and Glorifying Our National Values. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 4(6), 151-153

